

ЭНГ МУНОСИБЛАР САРАЛАНАДИ ёхуд Франциянинг Академик Пальма орденига кимлар сазовор бўлади?



Франция Республикасининг Академик Пальма ордени француз фани, тъльми ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган ушбу мамлакат фуқаролари ва хорижий давлатларда Франция билан маданий алоқаларни йўлга қўйишида жонбозлик қўрсатган чет эл фуқароларига бериладиган Давлат мукофотидир. Мазкур мукофот қачон ва ким томонидан таъсис қилингани ўкувчиларимизни қизиқтириши, табиий албатта. Шундай қилиб,

Мукофотнинг таъсис этилиши ва ривожланиши тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Википедиядан олинган маълумотларга кўра, Академик Пальма ордени 1808 йили 19 марта Франция императори Наполеон 1 томонидан таъсис этилган. У

фан ва таълим соҳаси ривожига улкан ҳиссасини қўшган профессор-ўқитувчиларга берилиб, дастлабки мақсад Париж университетининг академик ва профессор ўқитувчиларининг меҳнатларини рағбатлантиришни кўзда тутарди. Орденнинг таъсис этилиши ва тақдирланишига эътибор қаратганда, унинг ўзига хос ривожаниш тарихи борлигини эътироф этиш лозим. Орденнинг яратилиши уч босқичдан иборат бўлиб, унга муносиб кўрилган номзодлар учта даражанинг бирига сазовор бўладилар. Жумладан:

Les titulaires (фр.) — титулярлар даражасига буюк магистрлар, канцлерлар, университетнинг ғазначилари ва умрбод маслаҳатчилари бўлган кишилар лойиқ топилган.

Les officiers de l'université (фр.) — офицерлар даражасига университетнинг бир марталик маслаҳатчилари ва инспекторлари, ректор ва академик инспекторлар, факультетлар профессорлари, шунингдек, “иктидори ва хизматлари билан муносиб” деб топилган директорлар, лицейларнинг дастлабки икки синфи профессорлари сазовор бўлишган.

Les officiers des académies (фр.) — академик офицер даражасига директорлар, лицейларнинг дастлабки икки синф профессорлари ва коллежлар директорлари, шу билан бирга институт бошликлари ва лицейларнинг бошқа профессорларига “эътиборга лойиқ хизматлари учун” берилган. Орден

университетнинг махсус формасида, кўкракнинг юқори қисмига, ипак лентага тақиб қўйилган.

1850 йил 9 декабрдан орденга илмий даражасидан қатъи назар, эга бўлиш тартиби жорий этилди. Титуляр мақоми олиб ташланиб, университет офицери даражаси эса халқ маорифи офицерлари – Les officiers de l’Instruction publique номига ўзгартилиб, бошланғич ва хусусий таълим ўқитувчиларига бериладиган бўлди.

1866 йил 7 апрелда орден фарқлилик белгисига қараб (икки даражали) қайта ташкил этилди. Энди у металл белгига айлантирилиб, аввалги қора ипак лента бинафшаранг лентага ўзгартилди. Даражаларнинг номланиши илгаргидай – халқ маорифи офицерлари ва академия офицерлари сифатида қолди. Шу йилнинг 27 декабридан мукофот халқ маорифига хизмат қилувчи олимлар ва адабиётшуносларга ҳам бериладиган бўлди.

1955 йил 5 октябрда мукофот яна қайтадан таъсис этилиб, янги мақом олди. У уч даражага бўлинди:

 **Командор** (фр. *Commandeur*) — орденнинг олий даражаси бўлиб, бўйинга осиладиган лентали нишон;

 **Офицер** (фр. *Officier*) — кўкракнинг чап томони юқори қисмига осиладиган розетка лентали нишон;

 **Кавалер** (фр. *Chevalier*) — кўкракнинг чап томони юқори қисмига осиладиган лентали нишон.

Шу йилдан орден нишони бинафшаранг эмал қопламаси билан ўралган икки пальма шоҳи кўринишида тайёрланадиган бўлди. Лента барча даражалар учун 32 мм кенгликни ташкил этади.

1962 йилдан эса Франция Президенти ҳомийлиги остида Пальма Академик ордени аъзолари Ассоциацияси – *Association des Membres de l’Ordre des Palmes Académiques* (фр.) таъсис этилди. Шундан кейин 2002 йилдагина у билан тақдирлаш боғлиқ ташкилий масалаларга айрим ўзгаришлар киритилди.

Қизиқарли фактлар

- Замонавий пальма ордени нишони симметрик бўлиб: чап томондаги шоҳча 12та, ўнг томондаги шоҳча эса 11та япроқдан иборат.
- Академик пальма ордени “Бинафша легион” унвони бўлиб, Фахрий легион деган маънони беради.

Академик Пальма ордени кимларга берилади?

Ҳозирги пайтда Академик пальма ордени билан ўқитувчилар ва уларнинг ҳамжамият аъзолари, таълим беришга алоқаси бўлмаган, аммо халқ маорифига аҳамиятга молик ҳисса қўшган, шу билан бирга хорижликлар

орасида, Франциядан бошқа мамлакатларда француз маданиятини кенг тарғиб қиладиган шахслар ҳам тақдирланадилар.

Орденнинг кавалерлик даражасига 35 ёшдан кичик бўлмаган, таълимнинг муайян соҳасида 10 йилдан кам ишламаган (2002 йилдан –15 йилдан кам бўлмаган) шахслар лойиқ топилади. Мукофотнинг офицерлик даражасига кавалерлик даражасини олганидан сўнг камида беш йил ўтгандан кейин амалга оширган хизматлари муносиб кўрилган номзодлар олишлари мумкин. Командорлик даражасига эса офицерлик даражаси билан тақдирланганлар уч йилдан кам (2002 йилдан – 5 йил) бўлмаган шахсларнинг таълим соҳасида олиб борган фаол хизматлари натижасига қараб берилади. Юқори даражага муносиб кўрилганларнинг хизматларини баҳолашда, қуий даражаларни олишда эътироф этилган ишлари ҳам ҳисобга олинади.

Мукофотни топшириш бир йилда икки марта ўтказилиди 1 январь – Франция халқ таълими муассасаларига алоқаси бўлмаган шахслар; 14 июль (Бастилияning қўлга критилиши, мустақиллик куни) — Франция халқ таълими муассасалари тасарруфида фаолият кўрсатадиган таълим ва маданият соҳасига муносиб ҳисса қўшган шахсларга берилади. Мукофотни топшириш камдан-кам ҳолатларда (истисноли вазиятларда) бошқа кунга ўтказилиши ёки узрли сабаблар бўлса, ордени шахсларга белгиланган муддатдан ташқари ҳам топширилиши мумкин.

Франция Академик Пальма ордени билан мукофатланувчи номзодлар ҳолати мазкур орденни берувчи маҳсус кенгаш томонидан кўриб чиқилади. Ушбу кенгашга Франция хал таълим вазири раислик қиласи. Кенгашда Вазирдан ташқари, яна кенгаш аъзоларидан бир киши – ушбу шарафли орденни топшириш комиссияси аъзоси ва халқ маориф инспекция бошликлари ҳам киради. Номзодларга орденни бериш кўпчилик овоз олиш натижаси билан Кенгаш қарор қабул қиласи. Мукофотланганлар рўйхати Францияning бош вазири томонидан тасдиқланади.

Орденга сазовор бўлганлар

Франция Академик Пальма ордени билан фан, таълим ва маданият соҳасида муайян ютуқقا эришган ва Франция давлати билан маданий алоқаларини ривожлантиришга ҳисса қўшган хорижлик олимларга ҳам берилади. Бугун орденнинг командорлик даражасига эга бўлганлар орасида Людмила Вербицкая, Гоча Чоговадзе, Юрий Рубинскийларнинг номларини учратиш мумкин.

Охири 15 йилда орденнинг офицерлик даражасига россиялик олимлардан В.Большаков, В.Перлин, Украинадан А.Наумов, Озарбайжондан Ч.Бобохонова ва бошқалар қатор олимлар савзовор бўлишган. Кавалерлик

даражасини эса А.Метспалу, Ю.Энгельбрехт, А.Ершов, Е.Чазов сингари кўплаб олимлар олишга муваффақ бўлганлар.

Ўзбекистондан кимлар муносиб топилган?

Маълумки, Ўзбекистон Франция Республикаси билан бошқа соҳалар қатори фан, таълим ва маданият соҳасида ҳам мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Айниқса, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз суверентетини қўлга киритгандан кейин икки давлат ўртасидаги алоқалар янада ривожланди. Бунинг ифодаси ўлароқ, мамлакатларнинг фан, таълим ва маданият соҳасидаги алоқалари ривожига муносиб ҳисса қўшган ўзбекистонлик олимлар ҳам Академик Пальма ордени билан мукофотланадиган бўлди. Аниқроғи, бу жараён 1995 йилдан бошланди. Шу йили биринчи марта мазкур орден билан олимларимиздан тўрт нафари: таникли археолог олим, академик Галина Пугаченкова, Андижон чет тиллари институтидан Аҳмадали Мамадалиев ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан Эвилина Таюрскаялар тақдирланиши. Шундан бери ўтган 20 йил давомида ўзбекистонлик олимларнинг 43 нафари ушбу мукофотга сазовор бўлдилар. Уларнинг орасида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 8 нафар профессор-ўқитувчиси мазкур мукофотга лойиқ деб топилди. 2008 йилда университетнинг илмий ишлар бўйича проректори, филология фанлари доктори Г.Боқиева, 2011 йилда филология фанлари номзоди М.Нишонов, катта ўқитувчи З.Абдушукурова 2015 йилда француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори Ж. Ёқубов, жорий 2016 йилда эса университет ректори Ш.Қаюмов ҳамда француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси доценти П.Нишоновлар мазкур орден билан тақдирланиши.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишга бўлган эътибор йилдан-йилга ортмоқда. Бу борада асосий масъулият хорижий тилларни ўргатувчи ўқитувчилар зиммасига тушади. Табиийки, бундан француз тили ўқитувчилари, шу соҳада илмий-амалий тадқиқотлар олиб борадиган олий таълим муассасаларининг мутахassislar ҳам мустасно эмаслар. Улар нафақат француз тилини, балки шу давлатнинг тарихи, маданияти, илм-фани ҳақида ҳам бўлғуси мутахassislarга билим ва кўнишка бериш билан бирга икки давлатнинг ўзаро дўстона маданий алоқаларининг равнақига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Назира ТОШПЎЛАТОВА.